





**Пойтахтимизда  
Ўзбекистон ёшлар  
иттифоқи томонидан  
Янги йил байрамига  
бағишланган "Show  
case" лойиҳаси  
доирасида маданий-  
маърифий тадбир  
ўтказилди.**

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан ишлаб чиқилган "Show case" лойиҳасидан қўланган мақсад Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг мақсад ва вазифаларини ёшлар орасида кенг тарғиб этиш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларда ёшларнинг иштирокини янада фаоллаштириш, юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган авлодни вояга етказишга қўмаклашиш, уларнинг маънавий баркамол шахс бўлиб, жамиятда ўз ўрнини топиши ҳамда ўзлари қизиққан соҳанинг етуқ мутахассислари бўлиб етиштириларишга қўмаклашишдан иборат.

Ёш тарғиботчилар марказининг қатнашчилари Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан амалга оширилётган ишлар, ёшларнинг мамлакатимиздаги оламшумул ўзгариш-



## ЁШЛАРГА ЯНГИ ЙИЛ ТУҲФАСИ

лар жараёнидаги иштирокини янада фаоллаштириш борасидаги долзарб вазифалар юзасидан қизгин фикр алмашди, йигит-қизларнинг интеллектуал салоҳиятини юзга чиқаришга оид янги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тақдир ва мулоҳазалар билдирилди.

Тадбирнинг бадиий қисмида Ёш тарғиботчилар маркази қатнашчилари ҳамда "Турон" театр-студияси актёрлари "Меҳр ва муҳаббат" деб номланган саҳна кўриниши, те-

атрлаштирилган шоу ва бошқа томошалар кўрсатиб, барчада байрам шукруни уйғотди. Истеъдодли ёшлар томонидан тайёрланган ранг-баранг мусикий дастурлар, ўйин ва викториналар, Ватан, ёшлик мавзуларида қўй-қўшиқлар ижро этилди.

Тадбирда фаол иштирок этган ёшларга эсдалик совғалари топширилди.

**Ш.МАМАТУРОВА,  
ЎЗА мухбири**

## Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

### ЮРТ КЕЛАЖАГИ БАРКАМОЛ АВЛОД ҚЎЛИДА

**Мустақил Ўзбекистонимизда ёшларга берилаётган эътибор, ғамхўрлик, қўллаб-қувватлаш уларга бўлган эътиборнинг йилдан йилга ўсаяётганидан далолат. Қайси соҳани олиб қарамайлик ҳамма жойда айнан ёшларнинг фаоллигини кузатиш мумкин. Берилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланиб, келажакда Ватан тараққиётига ҳисса қўлишни мақсад қилган ёшларимиз сафи кенгаётгани қувонарли.**

Лекин ёш умрини беҳуда нарсаларга сарфлаётган, билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолган ёшларнинг ҳам учраётгани ачинарли ҳол. Жиноятчилик, диний экстремизм, терроризм, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, гиёҳвандликка қарши кураш бугунги кунда нафакат юртимизда, балки бутун дунёда энг катта глобал муаммага айланган бўлиб, мазкур муаммоларнинг шунчаки йўқ қилинишини кузатиб турмасдан, керак бўлса илдири билан суғуриб ташлаш, соғлом муҳитни барқарор таъминлаш энг олий мақсадларимиздан бири.

Тошкент кимё-технология институтида жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида ёшлар ўртасида мафкуравий иммунитетни шакллантириш ойлари доирасида тегишли соҳа вакиллари иштирокида турли маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказиб келинмоқда. Бу каби тадбирларни ўтказишдан қўланган асосий мақсад талаба-ёшлар ва профессор-ўқитувчилар орасида ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш ҳамда профилактик тадбирлар самардорлигини оширишдан иборатдир.

Мазкур тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, прокуратура, ички ишлар органлари масъул ходимлари, сиёсатчилар, маънавий тарғиботчилари, тарихчи-олимлар, маҳалла фаоллари, нурунийлар иштирок этиб, ёшларни оғоҳликка қўлаётгани, юртимизда яратилган шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришмоқда.

Институтнинг факультетлар кесимида ўтказилган тадбирларда халқаро терроризм, экстремизм, наркотрафик,

диний қарама-қаршилик, ноконуний миграция, одам савдоси, иқтисодий ночорлик, ишсизлик, қашшоқлик сингари глобал муаммолар кучайиб бораётган бир даврда фарзандларимиз онгида мафкуравий иммунитетни шакллантириш долзарб вазифа эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилмоқда, — дейди Тошкент кимё-технология институтининг проректори Т.Қодиров. — Бу муаммоларга қарши курашиш аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ушбу иллатнинг хавфи ва оқибатлари ҳақида тушунириш ишларини олиб бориш, фуқароларни мавжуд вазиятдан огоҳ этиш давр талаби. Шу сабабли доимо сергак ва ҳушёр бўлиш, энг асосийси бефарқ бўлмаслик муҳим. Талабалар иштирокида "Диний экстремизм, терроризм ва унинг салбий оқибатлари", "Гиёҳвандлик — аср вабоси, ундан ёшларимизни асрайлик!", "Таълим муассасаларида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари", "Ёшлар орасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликнинг олдини олиш" ва "Одам савдосига қарши курашиш — барчанинг вазифаси" мавзуларидаги тарғибот-ташвиқот тадбирларида бу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тадбирларда талаба-ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан жавоблар олдидилар. Бу каби тадбирларда бугунги кун ёшларининг қай даражада билим-и ва Ватанимиз келажаги учун ўзининг яхши ҳули, билими, ўз касбининг моҳир устаси бўлиб етишиш лозимлиги, шу билан бирга, доимо огоҳ бўлган ҳолда ҳар биримиз юртимизнинг тинчлиги учун масъул эканлигимиз таъкидлаб ўтилмоқда.

**Зиёда РАСУЛОВА**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

### ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ кафедралардаги қўйидаги вакант лавозимларга ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**Анорганик, аналитик ва физик-коллоид кимё кафедраси бўйича:** ассистент-1.  
**Токсикологик, органик ва биологик кимё кафедраси бўйича:** ассистент-1.  
**Фармакология ва клиник фармация кафедраси бўйича:** ассистент-1.  
**Фармацевтика иштини ташкил қилиш кафедраси бўйича:** ассистент-1.  
**Биотехнология кафедраси бўйича:** ассистент-1.

**Физика, математика ва ахборот технологиялари кафедраси бўйича:** ўқитувчи-1.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 20-сон қарорига мувофиқ "Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида"ги Низом талаблари, шунингдек,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 августдаги 246-сон "Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига педагогик фаолият самардорлиги ва сифатини ошириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қарори асосида ўтказилади.

Танловда иштирок этиш учун аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой ичида қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 45-уй.

Телефонлар: (8371) 256-37-38, 256-38-50.

Тошкент шаҳар Ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри давлат корхонаси "SvetoCorp" русумидаги, оғирлиги 80 гр/м2, ранги оқ, А4(210х297мм) форматидан, бир ўрамда 500 дона листдан, ўрамининг оғирлиги 2.5 кг бўлган офис қоғозидан 5 тонна ва оғирлиги 80 гр/м2, ранги оқ, А3 (297х420 мм) форматдан, бир ўрамда 500 дона листдан, ўрамининг оғирлиги 5.0 кг бўлган офис қоғозидан эса 0.25 тонна харид қилиш учун

#### ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тақдирлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 7 кун мобайнида қабул қилинади. Батафсил маълумот учун тел: 241-77-29

Тошкент шаҳар Ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан 2016 йил 2 августда "FREYZER PLASTIC" МЧЖ (ИНН: 302015628) ташкилотига гаров расмийлаштириш учун №4602 сонли маълумотнома йўқолганлиги сабабли

#### БЕКОР ҚИЛИНАДИ



**ЎЗГИДРОМЕТ  
ХАБАР ҚИЛАДИ**

Тошкент шаҳрида 28 декабрь кунини ҳаво ўзгариш турари, ёғингарчилик бўлмади. Кечаси ва эрталаб туман тушуши эҳтимоли мавжуд. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол жади. Ҳаро-

рат кечаси — 5-7 даража соғуқ, кундузи — 5-7 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 28 декабрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

**ҚАДРЛИ ҲАМШАҲАРЛАР  
ВА СОҲА ХОДИМЛАРИ!**

*Сизларни кириб келаётган янги йил байрами билан самимий тилакларни изҳор этган ҳолда қизгин муборакбод этамиз! Янги йил барчамизга бахт-саодат, хонадонимизга файз-барака ва тўкин-сочинлик, юртимизга хотиржамлик ва фаровонлик олиб келсин. Кўнгилларимизни меҳр-мурувват ва самимият ҳеч қачон тарк этмасин!*

**"ИСТЕЪМОЛДА БЎЛГАН ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ  
ВА ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРИ СЕРГЕЛИ БЎЗОРИ"  
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**

**"O'ZBEK-TURK TEST MARKAZI"  
ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**

*барча юртдошларимизни кириб келаётган янги – 2018 йил билан қизгин қутлайди. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлиб, эзгу орзуларимиз рўёбга чиқаверсин. Мамлакатимиз жаҳондаги энг ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олсин. Янги йилингиз қутлуғ бўлсин, азизлар!*

### "ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзил: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.



## ЎЗБЕКИСТОН МУДОФААСИГА КЎМАКЛАШУВЧИ ТОШКЕНТ ШАҲАР “ВАТАНПАРВАР” ТАШКИЛОТИ ЖАМОАСИ

АЗИЗ ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ КИРИБ КЕЛАЁТГАН ЯНГИ - 2018 ЙИЛ  
БИЛАН САМИМИЙ ТАБРИКЛАЙДИ! ҚУТЛУГ ЙИЛДА ДИЛИНГИЗДАГИ  
БАРЧА ЭЗГУ-НИЯТЛАРИНГИЗ АМАЛГА ОШСИН, ХОНАДОНИНГИЗДАН  
ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИК, СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, БАХТ-САОДАТ АРИМАСИН!  
ЯНГИ - 2018 ЙИЛДА 18 ЁШГА КИРАЁТГАН БАРЧА ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРГА ҲАМДА КЎП ЙИЛЛАР  
ДАВОМИДА ҲАЙДОВЧИЛИК ГУВОҲНОМАЛАРИГА ЭГА БЎЛИШНИ ИСТАГАН ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗГА  
ЎЗ МАҚСАД ВА ОРЗУЛАРИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШЛАРИНИ ТИЛАГАН ҲОЛДА, “ВАТАНПАРВАР”  
ТАШКИЛОТИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ТАСАРРУФИДАГИ ҚУЙДАГИ ТАШКИЛОТЛАРГА  
ҲАЙДОВЧИЛИК КУРСЛАРИГА

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ:

Мурожаат учун телефонлар:

| Т/р | Ташкилот номи                                        | Телефон:  |
|-----|------------------------------------------------------|-----------|
| 1.  | Бектемир ўқув спорт-техника клуби                    | 295-12-62 |
| 2.  | Миробод ўқув спорт-техника клуби                     | 291-14-02 |
| 3.  | М.Улугбек ўқув спорт-техника клуби                   | 261-26-33 |
| 4.  | Олмазор ўқув спорт-техника клуби                     | 229-29-47 |
| 5.  | Сергели ўқув спорт-техника клуби                     | 150-22-04 |
| 6.  | Учтепа ўқув спорт-техника клуби                      | 275-65-13 |
| 7.  | Чилонзор ўқув спорт-техника клуби                    | 277-06-19 |
| 8.  | Шайхонтоҳур ўқув спорт-техника клуби                 | 242-43-73 |
| 9.  | Юнусобод ўқув спорт-техника клуби                    | 177-84-02 |
| 10. | Яккасарой ўқув спорт-техника клуби                   | 250-44-81 |
| 11. | Яшнобод ўқув спорт-техника клуби                     | 291-29-62 |
| 12. | Тошкент Бирлашган техника мактаби (М.Улугбек тумани) | 269-30-55 |

Хизматлар лицензияланган

## ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни кириб келаётган  
янги - 2018 йил билан самимий табриклайди!  
Ўзининг 80 йиллик қутлуз санасини  
яқиндагина катта тантаналар билан нишонлаган  
ушбу олий таълим даргоҳи юртимиз аҳлига  
сиҳат-саломатлик, хонадонларига  
тинчлик, фойзу барака тилайди.

Янги йил шоду хуррамлик, янгидан янги  
орзу-умидларни олиб келсин.  
Кўнгиллариингизни эзгулик, қувонч ва  
шукроналик туйғулари асло тарк этмасин.  
Озод ва обод Ватанимиз равнақи,  
ёрқин истиқболи йўлидаги эзгу ишларингизда  
омад ҳамиша ёр бўлсин.  
Байрам шукруҳи, янги орзулар  
ҳар биримизнинг ҳамроҳимиз бўлсин!

## “IBRAGIMOV X.N” ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ, ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ ВА СОҲА ХОДИМЛАРИНИ

дилларни қувончга тўлдириб фойзу тароват ила кириб келаётган янги  
йил байрами билан эзгу тилакларни изҳор қилган ҳолда қутлайди!  
Дастурхонингиз доимо тўкин, кўнгиллариингиз шод, хонадонингиз обод бўлсин.  
2018 йил ҳар бир оилага қут-барака, сиҳат-саломатлик ва бахту саодат олиб келсин!

Фурсатдан фойдаланиб барчангизни янги йил кунлари  
“Ibragimov X. N” хусусий корхонасининг шахримизнинг барча туманларида  
жойлашган 80 та “Молочний домик” дўконларига таширф буюриб,  
ранг-баранг сут маҳсулотларидан баҳраманд бўлишга таклиф этамиз.



Маҳсулотлар сертификатланган

**Тошкент Оқшом**

Манзилимиз: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Эълонлар: (0-371) 233-28-95,  
факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот бошқармасида  
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки  
«Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.  
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР  
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:  
gazeta-vto@mail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума кунлари чиқади  
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.  
4003 нусхада босилди.  
Қўғоз бичими А-2

Нашр учун масъул  
О. Ҳазратов

«Шарқ» нашрият-матбаа акциядорлик  
компанияси босмахонаси, Корхона  
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир  
Акмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 15.50